



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

## "БОЙСУН –БАҲОРИ" ХАЛҚАРО ФЕСТВАЛИ: ТУРИЗМ САЛОҲИЁТИ"

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОЛЬКЛОРНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ  
«БАЙСУН –БАҲОРИ» ПОТЕНЦИАЛ ТУРИЗМА

«BOYSUN –BAHORI» INTERNATIONAL FOLKLORE  
FESTIVAL TOURISM POTENTIAL



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАъЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛарНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

**“БОЙСУН –БАҲОРИ” ХАЛҚАРО ФЕСТВАЛИ: ТУРИЗМ  
САЛОҲИЁТИ”**

**Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий  
маданияти халқаро илмий-амалий анжумани**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОЛЬКЛОРНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ  
«БАЙСУН –БАХОРИ» ПОТЕНЦИАЛ ТУРИЗМА**

*Материальная и духовная культура Байсун в мировой  
цивилизации*

**«BOYSUN –BAHORI» INTERNATIONAL FOLKLORE  
FESTIVAL TOURISM POTENTIAL**

*Material and Spiritual Culture of Boysun in World Civilizations*

**ТОШКЕНТ  
«YOSH AVLOD МАТВАА»  
2022**

**УЎК 808.5(075.8)  
КБК 83.7ya73  
A77**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги №-59 рақамли “Бойсун баҳори” фольклор фестивалини 2022 йил 7-8- май кунлари Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ўтказиш тўғрисидаги баённомаси асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамкорлигига 2022 йил 6 май куни Термиз шаҳридаги Имом Исо Термизий илмий тадқиқот марказида “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” халқаро илмий анжуман ташкил этилди. Анжуманга тақдим этилган илмий мақолалар тўплам сифатида чоп этилди.

“Бойсун-баҳори” фольклор фестивалини “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами / С. Турсунов. – Т.: “Yosh avlod matbaa”, 2022. – 578 б.

**Масъул муҳаррир:**  
*т.ф.д., проф. С.Н. Турсунов*

**Тақризчилар:**

*т.ф.д.профессор А.Аширов, т.ф.д.профессор Р.Х.Муртазаева  
ф.ф.д П.Бакиров, ф.ф.н Ҳ.Жўраева, ф.ф.д.профессор Н.А.Хуббитдинова,  
ф.ф.д. профессор Ш.Турдимов, т.ф.д. профессор Г.В. Юлдыбаева.  
ф.ф.н.Б.Муртазоев, ф.ф.н.Н.Йўлдошев, т.ф.д. Т.Пардаев, профессор  
О.Бўриев, ф..ф.б.ф.д А.Худойқулов, ўқитувчи И.Қаршиев, Б.Сайдовлар.*

**Техник котиба:**  
*Қўшиқова Моҳигул Турсуновна*

Мазкур тўплам Термиз давлат университетининг 2022 йил 25-апрелдаги илмий кенгаши йиғилишида муҳокама этилиб, нашрга тавсия этилди. Тўпламда Хоржий ва Ўзбекистон республикаси оид тарихий-археологик ва этнографик, халқ оғзаки ижодиёти ҳамда фан, таълим ва тарбиянинг тарихий нуқтаи-назардан эришилган ютуқларига оид илмий мақолалар жамланган.

ISBN-978-9943-6897-5-6

“Yosh avlod matbaa”, 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 7 февралдаги №-59 рақамли “Бойсун баҳори” фольклор фестивалини 2022 йил 7-8 май кунлари Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ўтказиш тўғрисидаги байённомаси асосида илмий анжуманни Термиз давлат университети ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамкорлигига 2022 йил 6-май куни Термиз шаҳридаги Имом Исо Термизий илмий тадқиқот марказида “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” халқаро илмий анжуман ташкил этилди.

На основании Протокола Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 февраля 2022 года провести 7-8 мая 2022 года в Байсунском районе Сурхандарьинской области фольклорный праздник «Байсунская весна» №-59, научную конференцию состоялась 6 мая 2022 г. В Научно-исследовательском центре имама Иса Термизе в город Термезе организована Международная научная конференция «Материальная и духовная культура Байсуна в мировой цивилизации».

On the basis of the Protocol of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan from February 7, 2022 to May 7-8, 2022 in Baysun district Surkhandarya region folklore festival «Baysun spring» №-59, scientific conference will be held on May 6, 2022. The International Scientific Conference «Material and Spiritual Culture of Baysuna in World Civilization» was organized at the Scientific-Research Center of Imam Isa Termizi in Termez.

даврасига муҳрдорлар номидан ўтказиб қўйилиш каби ҳолатларни назарда тутган. Нашрлар борасида қилиниши керак бўлган ишлар талайлигини айтгани ҳолда, Шафоат Термизийнинг мақоласида Фозил шоирнинг “Алпомиш”ни бузгани ҳақидаги фикрига ҳам муносабат билдирилади. Т.Мирзаев шу каби нашрлар, тадқиқотларга ҳам холис баҳо бериб, ўз вақтида камчиликларини эълон қилиб борган. Бизнингча, олимнинг бу борадаги фаолияти ҳам алоҳида тадқиқотга тортилиши лозим.

Устоз шогирдлик муносабатларига амал қилинмаслиги илгари маълум бўлмаган эпос намуналарининг ижро қилинишини ҳам оммалаштириди. Буни 1999-йиллар арафасида пайдо бўлган “Алпомиш” туркуми достонлари мисолида кўришимиз мумкин. Фолклоршунослар “Алпомиш”дан ташқари 30-йилларда “Ёдгор” достонини ёзип олган эдилар. Аммо яна “Қўнғир от”(Қалмоқда қолган Бойсарининг 60 ёшлигига кўрган фарзанди ҳақида), “Хурсуна”(Алпомишнинг Ёдгор ва Олпонбек исмли ўғилларидан кейин кўрган қизи ҳақида), “Шомурод”(Ёдгорнинг қайнотаси ҳақида), “Ойтовка”, “Худоёр ёхуд Йўлчи” ва “Бева Барчин” достонлари пайдо бўлди. Т.Мирзаевнинг бу достонлар ҳақидаги мулоҳазалари жуда ўринли: “Достончилик анъаналари сўна бошлаган бир даврда ўз-ўзидан туркум достонларнинг пайдо бўлиб қолиши уларни анъанавий йўл маҳсули сифатида оммага ташвиқ этилиши фанда турли чалкашликларнинг туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Аслини олганда мутахассис учун анъанавий достон билан ясама намунани фарқлаш қийин эмас... Бахши достоннинг иккинчи қисмини куйлаганда “Алпомишнинг зинданда бўлиши” деган, “Бева Барчин” демаган. Мен сизга “Алпомиш”да “бева” деган сўз деярли ишлатилмайди, десам, дабдурустдан ишонмаслигингиз мумкин. Аслида шундай. Бахши “бева” эмас, “тул” деб қўллаган. Энди “Бева Барчин” деган мустақил достон бор, дейиш илмга хилоф, деб ўйлайман”[5, Б.39]. Бу каби мустақил достонларнинг пайдо бўлиши фолклоршунослар олдида намуналарни синчилкаб тадқиқ қилиш заруратини туғдиради. Шу ўринда бугунги кун достонларининг нашрларига ҳам диққат қилиш лозим бўлади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент, 1979. – Б.29

2. Сайдов М. Асрор Самад Шерна бахши ҳаёти ва ижоди ҳақида баъзи материаллар // Ўзбек филологиясининг актуал масалалари. – Тошкент, 1977. – Б.74- 79
3. Ўз Р ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Фольклор архиви И nv № 930, –Б.4.
4. Очилов Н. XX асрнинг охири ва XXI аср бошлари достончилик анъаналарининг сақланиши ҳолати: Филол. фанлари докт. диссер. – Тошкент, 2020. – Б.170-174.
5. Турдимов Ш. “Алпомиш” меҳри уйғонди (Т.Мирзаев билан сухбат)//Соғлом авлод учун. 1999. – 10-11- сон. – Б.39-40.

## ТАОМ-ЭТНИК МАДАНИЯТ ҲОСИЛАСИ ("ОҒИЗ СУТИ" ТАОМЛАРИ МИСОЛИДА)

**Қурбонова Манзила Боқиевна  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Бухоро давлат университети**

Сут инсон дунёга келган кундан бошлаб оғзига тегадиган бебаҳо неъматдир. Сут деярли нон сингари ардоқли таом эканини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро воҳаси аҳолиси сут ва сут маҳсулотларини кенг истеъмол қилганлар. Овқат тайёрлашда асосан сигир, қўй, баъзан эса тута ва бия сутидан ҳам фойдаланилган.

Воҳа хўжалигида қўй, сигир, тута ва от энг қимматли мол сифатида қадрланган ва уларнинг пирларига эътиқод қилинган. Қўй отаси “Қамбарота”, сигир отаси “Занги ота”, тута отаси “Ўйсил Қора” [1,-Б.112-113], Бия отаси “Дулдул ота” [2,-С.23] ларга халқ ўз орзу-истакларининг ижобатини, хайр-баракасини Аллоҳдан сўраб, уларга атаб қурбонликлар уюштирилган.

Воҳа аҳолиси асосан сигир сутини истеъмол қилади. Сигир сутининг химиявий таркиби кўпгина омилларга боғлиқ. Буларга иқлимий-географик шароитлар, ҳайвоннинг зоти, уни сақлаш ва боқиши хусусиятлари киради.

Сут ўзининг химиявий таркибига кўра ҳайвонот маҳсулотлари ўртасида фоят муҳим ўрин тутади. Сигир сутининг химиявий таркибида таҳминан 100 ва ҳатто бундан ҳам кўп турли-туман моддалар-бирикмалар, жумладан 20 та аминокислота, 25 та ёғ кислота, 4 турдаги сут қанди, 20 дан зиёд витаминалар, 30 дан кўп минерал

элементлар, ўнлаб ферментлар, гармонлар, карбонат ангидрид гази ва кўп миқдорда сув бўлади. Таркибидаги моддаларнинг кўплиги жиҳатидан сутга тенг келадиган маҳсулот табиятда деярли йўқ. Шунинг учун ҳам одам учун ниҳоятда фойдалидир [3,-Б.10,11.].

Аҳолининг биринчи галда “ўз” хайвонларининг сутини истеъмол қилиши табиий ҳол. Бу жуда фойдали бўлган, чунки овқатлашиш фани тўғрисидаги янги маълумотлар ҳазм безларининг ферментатив системаси асрлар оша муайян турдаги маҳсулотни ҳазм қилишга мослашганлигини кўрсатади.

Воҳада соғин сигир қадрланган, чунки ҳар бир хонадонда қора қозонни қайнаши кўп жиҳатдан соғинди говмишга боғлик бўлган. Шунинг учун бўлса керак, бозордан сотиб олинган сигир уйга олиб келингач, кора қозонни муттасил қайнаб туришини ният килиб, ўчоқ бошини уч маротаба айлантириш одати бўлган. Бўғоз сигирларни бешикаст туғдириб олиш, уларни ёмон кўздан асраш, ювош қилишга қаратилган қатор ирим-сириллар бажарилган. Масалан, Бухоро воҳаси Когон, Бухоро тумани ўзбекларида эндингина бўғоздан бўшаган сигирни ёмон кўздан асраш учун унинг атрофидан чорраҳадан териб олинган хас-чўпчак тутатилган. Олот тумани қишлоқларида эса соғинди сигирни кўздан асраш учун duo битилиб, унинг шохига тумор қилиб осиб қўйилган. Тумор ичига қора зира, буғдой кепаги, туз, чилон жийданинг чўпи солинган. Аччиқ қалампир солинган туморни осиб қўйиш холлари бўлган. Бундан ташқари, кўздан асраш учун йўлнинг кесишган жойи-чорраҳадан озгина тупроқ, хас-чўпчак териб, латта ва исириқ билан кўшиб, тутатилган [4, 1991].

Воҳанинг бир қатор ўзбек ва тожик қишлоқларда сигир биринчи марта соғилганда идиш тубига пахта солиб соғиши одати бўлган. Бундай ирим момиқдек оқ пахта устига соғилган сигир сути пахтадек юмшок бўлсин деган маънени англатган. Сигир устига ювош бўлсин учун эшак тўқими қўйиб олиш одатига амал қилинган. Сигир тезда сутдан чиқиб қолмаслиги, яъни, сут бериш муддати узун бўлиши учун соғинга кирган пайтида унинг устига узун арқон ташлаб соғилган.

Аҳоли орасида сигир чилласи билан боғлик тушунчалар ҳам кенг тарқалган. Жумладан, соғин сигир чилласидан чиққунча унинг сутини “сигир учинади” деб кун ботганидан кейин бирорвга берилмаган. Баъзи жойларда тукъсан сигирнинг сути қирқ кунгача ҳамирга солинмаган. Айрим сигирларнинг “сояси юпқа” деб,

кун ботганидан кейин сутига озгина қозон қора, Навоий тумани Дўрман қишлоғида эса гугурт чақиб, Олот ва Қоракўл тумани туркмандарида эса сут ичига тош ёки чўп солиб берилган [5, 1993]. Умуман воҳанинг кўпгина манзилларида “сигирнинг тўрт эмчаги булоқ, унинг биттаси хайрот”, сингари иборалар ишлатилган.

Сигир ва унинг сути кўзиккан деб ҳисобланса, уни бартараф этишнинг ҳам ўзига хос иримлари бажарилган. Бухоро воҳасининг Олот, Қоракўл тумани ўзбек ва туркмандарида сигир елини ёки эмчаги оғриб касалланса “кес-кес” ирими бажарилган. Бунинг учун ошпишоқ оловда қиздирилиб, сигирнинг соғилган сутини “кесдим, кўздан бўлса кесдим, сукдан бўлса кесдим, кўзларингни тешдим”, - деб уч марта сутга ботириб кесилган Когон тумани Хўжа Якшаба қишлоғида эса кўзиккан сигир сути соғилиб, қизил атиргул остига тўкиш ирими ҳам уч марта тақрорланган.

Кўпгина воҳа қишлоқларида сигирнинг сутини бошқа бирорвга кўрсатмасдан соғиш одати ҳам кенг тарқалган. Бегонанинг кўзи тушмаслиги учун, сигир эрта тонгда соғилган. Сигирнинг даставалги соғини жараёнида сут эмчагидан тик тиззиллаб тушиши нијатида идиш ичига ингичка қамиш солиб кўйилган.

Тўғинидан сўнг сигир, кўй, эчкилардан уч-тўрт кунгача сариги аримаган сут соғиб олинган ва у воҳа туманларида турлича номланган. Масалан, Когон тумани қишлоқларида биринчи кун соғилгани сарфалла, кейингилари эса оддийгина фалла, Шофиркон ва Фиждуон ўзбеклари фалла, Навоийда палла, Олот ва Қоракўл тумани қишлоқларида эса бу сутнинг ранги тўқ сарик бўлгани учун уни олтинга қиёслаб, “олтин овуз”, кейинги кунлардагиси оддийгина “овуз” деб юритилади. Умуман, воҳа халқларида сигир, кўй ва эчкиларнинг биринчи марта соғилган оғиз сути “ҳамиртуруushi”, “кўри” ёки “ўзаги” деб, тукқан боласи бақувват ўсиб ривожланиши учун роса яхши тўйдирилган.номланган.

Воҳанинг деярли барча аҳоли масканларида оғиз сутидан маҳсус тансиқ таомлар тайёрланган. Шулардан бири “палла” ёки “фалла”. Таомни тайёрлаш бироз диққат ва эътибор талаб этган. Бунинг учун аввал пиёва тайёрлаб, кейин teng микдорда сут ва оғиз сути қўшиб қайнатилган. Таом тайёр бўлгандан сўнг туз, седана ва зира солиб, косаларга сузилган. Когон тумани қишлоқларида бу тансиқ таом учун тандирда иссиқ нонлар ёпиб, қўни-қўшнилар чақирилган, яъни биргалашиб таомни баҳам кўриш одати кенг тарқалган.

Воҳанинг Ромитан тумани (Оғар, Муллоён, Хоса) ва Вобкент тумани (Сариосиё, Токидўз, Ҳалвогарон) қишлоқларида бу таом учун пиёва тайёрланмай, тенг миқдордаги сут ва оғиз сутига сув қўшиб, қайнатиб пиширилган ва қўни-қўшниларга тарқатилган. Палла пиёва солиб берилган идишлар эгасига ун ва туз билан қайтарилиган. Воҳада фақат сигирнинг оғиз сутидан пиширилган палла таоми тарқатилган. Қўй ва эчки палласи бирорвга берилмаган.

Воҳанинг барча қишлоқларида сигирнинг оғиз сутидан “далама” таоми ҳам пиширилган. Даламани пишириш учун аввал қозон ёғланган, сўнг бегона, яъни бошқа сигирнинг сутига оғиз сути қўшилган, салгина қайнаб чиққач, қозон ўчоқдан туширилиб совуқ сув солинган тогорага кўйиб, чўмич билан тинмай шопирилган. Бордию бу қоидаларга риоя этилмаса таом худди чуриб ёки ағдарилиб тушган сутга ўхшаб қолган, аслида далама қуюкроқ аталадек бўлган, шунинг учун ҳам халқ орасида “далама оби-тобидай тайёрланса, худди нишолдадай бўлади”, сингари ўхшатиши кенг тарқалган. Далама учун етарли миқдордаги оғиз сути яъни биринчи ва иккинчи кунги оғиз сутлари сарфланган. Далама таоми Қоракўл тумани қишлоқларида кўпинча катта қозонда пишириб, молнинг хайр баракаси деб, эҳсон тариқасида қўни-қўшниларга, ҳамқишлоқларга “Занги бобонинг оши” деб тарқатилган [6,-Б.118]. Бу таомнинг жуда хуштаъмлилигини билган миришкор чорвадорлар даламахўрлар учун оғиз сутини узоқ вақт сақлаб қолиш усулини ўйлаб топганлар. Бунинг учун соғилган оғиз сути ичига тоза пахта солиб кўйилган, оғиз сутини ўзига шимиб олган пахта қуритиб, сақланган. Бундай қуритилган пахтадан исталган вақтда далама тайёрлашда фойдаланилган. Фақат бу усулда дала ма пишириш жараёнида кўпроқ сигирнинг ўз сутидан, бегона сутидан эса камроқ фойдаланилган [7,1994].

Оғиз сутидан тайёрланган яна бир тансиқ таом “қағанок” бўлиб. У воҳанинг айрим жойларида онда-сондагина пиширилган. Чунки қағанок учун ҳам етарли миқдорда оғиз сути керак эди. Битта сигирнинг оғиз сути эса палла пиёва ва даламадан ортмаган. Шунинг учун кўпинча қўй ва эчкилари мўл бўлган хонадонларда қағаноқ пишириш урфга кирган. Таомни тайёрлаш учун қозон ёғланган, оғиз сутига озгина сут қўшиб, ўчоқ ёки тандир чўғига кўмилган. Натижада қозондаги масаллик жуда секин қайнаб, қуюқлашган. Тайёр бўлганидан сўнг пичноқ билан кесиб истеъмол қилинган. Воҳанинг асосан ярим кўчманчи чорвадор, яъни кўй қўзиси кўп бўлган хонадонларида, тез-тез тайёрланган, тано-

ввул қилинган. Қағаноқ күчманчи чорвадор элларга хос турмуш тарзининг маҳсули хисобланади [8,-Б.235], деган хулоса ўринли, бироқ Бухоро воҳасида ўтроқ билан ярим күчманчи халқларнинг узоқ давр мобанида ёнма-ён қўшни бўлиб яшashi натижасида бу таом ўтроқ аҳолининг ҳам ошхонаси ва дастурхонидан ўз ўрнини топган. Оғиз сутидан қағаноқ таомини пишириш қарлуқ ва қип-чоқларга хос эканлигини акад.К.Шониёзов қайд этади [9,-С.116.]. Бундан ташқари Сурхондарё вилоятида ҳам кўпроқ тайёрланиш тадқиқотларда таъкидланган [10,-Б.48, 11,-Б.77].

Воҳада “палла барак” ва “овуз барак” деб аталган таом ҳам оғиз сутидан тайёрланган. Таомнинг тайёрланиши худди тухумбаракка ўхшаб кетади. Фарқи палла барак учун оғиз сутига тухум қўшиб тайёрланган. Масаллиқ ҳамирдан ясалган жилларга солиб, сувда қайнатилган. Воҳада “овуз барак”ни пишириш учун сигирнинг оғиз сути етарлича бўлиши керак, чунки “палла пиёва”, “далама” таомларидан ортиб қолсагина палла барак пиширилган. Шунинг учун ҳам аҳоли ошхонасида “овуз барак” ёки “палла барак”ни тансиқ таомлар қаторига киритилган.

Сутнинг шифобахш неъматлиги ва унинг таркиби фанда аниқланган [12,-Б.54]. Сутнинг таркиби, унинг доридармонлик хосиятлари сут берувчи ҳайвоннинг турига ва қайси йўсинда боқилишига боғлиқдир. “Сут берувчи ҳайвон яхши ўтлар билан боқилиши керак [13,-Б.362] , -дейди улуғ аллома ибн Сино. Унинг ўзи шу айтганларига амал қилиб, Бухоро воҳасидан маълум экин майдони танлаб, уни ҳайдатади ва тоғлардан турли доривор ўсимликларнинг уруғларини олдириб келиб, шу ерга экади. Улар ердан униб чиққанда бунга сигирларни қўйиб юбориб боқдиради ва соғиб олинган сут билан беморларни даволашда фойдаланади.

Бугунги кунда Бухоро воҳаси қишлоқ хонадонларида оғиз сутнинг юқорида таҳлил қилинган анъанавий тансиқ таомларини учратиш мушкул. Бунинг бир қатор сабаблари мавжуд: биринчидан, халқимизнинг иқтисодий жиҳатдан тўқин-сочин шароитда ҳаёт кечираётганлиги бу анъанавий тансиқ таомларга эҳтиёжни камайтиromoқда. Иккинчидан, оиласиий хўжаликларда ушбу таомларни тайёрлаш тажрибасига эга кекса қарияларимизнинг ҳаётдан ўтиб кетаётганлигидир. Учинчидан, анъанавий тансиқ таомлар ошхонаси ўз ўрнини замонавий таомларга бўшатиб бераётганлигидир.

Бугунги кунда оғиз сутининг тансиқ таомларидан тўйиб истеъмол қилган халқимиз ёш авлодни далама, қағаноқнинг пиширилиши ва истеъмолидан хабардор қилиши муҳим. Бу эса ўз навбатида

анъянавий ошхонамизнинг миллийлигини ва ўзига хослигини қадрият сифатида асраб қолиш йўлидаги сайъ-харакатдир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

- 1.Ҳасан Кўксол. Зарафшон водийсидан келган туркий халқлардаги тўрт хосиятли ҳайвонларга боғлиқ эътиқодлар./Зарафшон воҳаси ва унинг тарихдаги ўрни. Илмий-назарий конференция материаллари. 2001 йил. 18-19 май, I-қисм. Самарқанд 2001. -Б.112-113.
2. Демидов С.М. Обряды и обычай туркмен, связанные с земледелием и скотоводством (конец XIX-первая четверть XX в.). Материалы по исторической этнографии туркмен. Сб.статьей /Отв.ред. А.Оразов.- А.: Ўлым 1987. -С.23.
- 3.Худойшукуров Т., Каримов М., Атоев В., Сайдов Б. Овқатлашиш ва саломатлик. Т., “Медицина”. 1990.,-Б.10-11.
4. Дала тадқиқотлари, Когон, Бухоро тумани, 1991йил, июнь.
5. Дала тадқиқотлари, Навоий,Олот, Қорақўл тумани.1993 йил, сентябрь.
6. Ислом. справочник. Тошкент, 1989. -Б.118.
7. Дала тадқиқотлари,Бухоро тумани, 1994 йил, сентябрь
8. Эгамшукрова Р. “Алпомиш” достонидаги бир таом хусусида./Ўзбек этнографияси: Янгича қарашлар ва назарий методологияк ёндашувлар.ЎзРФА академиги Карим Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжумиан материаллари. –Т.: 2004, -Б.235.
- 9.Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков-конца XIX-начала XX в. –Т.: «Фан», 1981.-С.116.
10. Икрамова Н.М. Узбекская кулинарная лексика. Ташкент , “Фан”.1989 .-С.48
- 11.Файзуллаева М. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар. (Сурхон воҳаси мисолида).-Т.: “Yangi nashr” 2010.-Б.77.
- 12.Карим Махмудов. Ўзбек тансик таомлари. Ташкент. Мехнат,1989. -Б.54.
- 13.Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. II китоб содда дорилар хақида. ЎзССР ФА нашриёти, Ташкент, 1956 й.

## МУНДАРИЖА

“YURT AN’ANALARINI MILLATLARARO TARANNUM ETISH BOSQICHLARI”. O’zbekiston Respublikasi Madaniyat vaziri Nazarbekov Ozodbek Axmadovich .....	4
«БОЙСУН БАҲОРИ» ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ ХАЛҶАРО ДҮСТЛИК ВА АЛОҚАЛАР РАМЗИ. Сурхондарё вилоят ҳокими Боболов Тўра Абдиевич .....	5
БОЙСУН БАҲОРИ ФЕСТИВАЛИ МИЛЛИЙЛИГИМИЗ ИФОДАСИ. Термиз давлат университети ректори, профессор Авазжон Раҳимович Марахимов.....	8

### 1-ШЎЬБА. ХАЛҶИМИЗНИНГ ЎЗИГА ХОС ФОЛЬКЛОР САНЪАТ ТАРИХИ ВА МАНБАЛАРИГА ТАРИХИЙ, АДАБИЙ-БАДИЙ ВА ЭТНОЛОГИК ЁШДАШУВЛАР

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич. “БОЙСУН-БАҲОРИ” ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ МИЛЛИЙЛИКНИ АНГЛАШ ИФТИХОРИ ВА ТҮЙҒУСИ .....	12
Улуғбек Абдуллаев. ЎЗБЕК ХАЛҶИННИНГ ҚАДИМГИ ТАҚИНЧОҚЛАРИ: ТАРИХ ВА ТАҲЛИЛ.....	27
Шодман Вахидов. ЗЕМЛЕДЕЛЬЧЕСКОЕ ХОЗЯЙСТВО Абдырахман Мырзагулович Алымбаев. НАСЕЛЕНИЯ СУРХАНСКОГО ОАЗИСА НАРОДНЫЕ ГУЛЯНИЕ И ОБРЯДЫ..	36
Алима Мусировна Ауанасова. КУЗНЕЧНОЕ РЕМЕСЛО СУРХАНСКОГО ОАЗИСА.....	37
Турекеев Қ.Ж. ҚОРАҚАЛПОҚЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ НИКОҲ ТҮЙИ МАРОСИМЛАРИДАГИ ХАЛҶОНА ТАСАВВУРЛАР ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАР .....	40
Фахруддинов Раиль Равилович. ЖЕНСКАЯ И ДЕТСКАЯ ОДЕЖДА СУРХАНДАРБИ .....	46
Тилемуколов Гаухар. СТРОИТЕЛЬСТВО ЖИЛИЩ И ИХ РАЗНОВИДНОСТИ .....	48
Төрениязова Дилфузә Құламетовна. ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛҶЫНЫҢ ӨНЕР КӨСИПЛЕРИ ТАРИХЫНАН.....	51
Э.Қобулов. МАНФИТЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИ СИЁСИЙ ҲАЁТИДА БОЙСУН .....	55
Рамиль Камилович Адыгамов. НАКШБАНДИЙСКИЕ НАСТАВНИКИ ТАТАРСКИХ БОГОСЛОВОВ КОНЦА XVIII – XIX ВВ. В СРЕДНЕЙ АЗИИ.....	58

<b>Рахматов Йўлдош Ғайбуллаевич.</b> ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛ ВА РИВОЯТЛАРИ МУНОСАБАТИГА ДОИР .....	67
<b>Худайқурова Латифа Авазовна, Имомназарова Шаҳодатбону Хабитовна.</b> “ОҒИЗ ИСКАШ” ВА “МАКИЁН СОВЧИ” АНЬАНАСИ ҲАМДА “ҚИЗ ТАНЛАШ” ВА “СОВЧИЛИК” УДУМЛАРИ .....	72
<b>Пардаев Тошкенбой Ражабович.</b> ШЕРОБОД ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИНинг ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ВА ГЕОГРАФИЯСИ ..	78
<b>Рахмонов Фахридин Шоймардонович.</b> ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИЁТИДА “СУСТ ХОТИН” МАРОСИМИНИНГ ЭТНОЛОКАЛ ТАЛҚИНИ (ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА). ....	81

### ETNOGRAFIYA

<b>Olim Qayumov.</b> SHOMON MAROSIMI MORFOLOGIYASIGA DOIР.....	88
<b>Давлатова Саодат Тиловбердиевна.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БАХШИЧИЛИК ВА ДОСТОНЧИЛИК АНЬАНАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ...	96
<b>А.Р.Қаюмов.</b> ОТ ВА ТУЯ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЬАНАВИЙ ЭТНОСПОРТ ЎЙИНЛАРИ ВА УНИНГ ЭТНО ВА ЭКОТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ .....	102
Ўқтам Ҳакимов. “Алпомиши” достонининг ижро варианtlари .....	108
<b>Сайимов Салим Сайимович.</b> Бойсун баҳори – юртим ифори....	111
<b>Гулбаҳор Фозилова.</b> САМАРҚАНД ВА ХОРАЗМ ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ (Гўрўғлиниг туғилиши достони мисолида).....	112
<b>Мунис Жўраева Юнусовна, Нигора Абдусаломова Шуҳрат қизи</b> БАХШИЧИЛИК САНЪАТИДА УСТОЗ-ШОГИРД АНЬАНАЛАРИГА ОИД БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР .....	117
<b>Курбонова Манзила Боқиевна.</b> ТАОМ-ЭТНИК МАДАНИЯТ ҲОСИЛАСИ (“ОҒИЗ СУТИ” ТАОМЛАРИ МИСОЛИДА).....	123
<b>М.Б.Курбонова, И.Т.Калонова.</b> АНЬАНАВИЙ “САБАНТЎЙ” БАЙРАМИ ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙЛАШУВИ.....	129
<b>Кичкилова Матлуба Ҳамзаевна.</b> КЎҲИТАНГ ТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЖАСОРАТИГА ОИД ИЛМИЙ ТАДКИҚОТЛАР .....	133
<b>Эргашева Сайёра Абдусоатовна.</b> БОЙСУН - УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ.....	137
<b>З.А.Шамсиева.</b> АНЬАНАВИЙ НИКОҲ ТЎЙИ МАРОСИМЛАРИ	